




Научно-практический электронный журнал

МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА

ISSN 2658-7998



**Выпуск №84 (том 1)
(май, 2026)**



Международный научно-практический
электронный журнал «МОЯ
ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА»

Сайт: mpcareer.ru

ISSN 2658-7998

УДК 001

ББК 94

Международный научно-практический электронный журнал «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА». Выпуск №84 (том 1) (май, 2026). Дата выхода в свет: 31.05.2026.

Сборник содержит научные статьи отечественных и зарубежных авторов по экономическим, техническим, философским, юридическим и другим наукам.

Информация об опубликованных статьях предоставляется в систему Российского индекса научного цитирования (РИНЦ) и размещена на платформе научной электронной библиотеки (eLIBRARY.RU). Лицензионный договор № 284-07/2019 от 30 июля 2019 г.

Миссия научно-практического электронного журнала «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА» состоит в поддержке интереса читателей к оригинальным исследованиям и инновационным подходам в различных тематических направлениях, которые способствуют распространению лучшей отечественной и зарубежной практики в интернет пространстве.

Целевая аудитория журнала охватывает представителей экспертного сообщества, докторов, преподавателей, научных сотрудников, бакалавров, магистрантов, аспирантов и иных лиц, интересующихся вопросами, освещаемыми в журнале.

Материалы публикуются в авторской редакции. За соблюдение законов об интеллектуальной собственности и за содержание статей ответственность несут авторы статей. Мнение редакции может не совпадать с мнением авторов статей. При использовании и заимствовании материалов ссылка на издание обязательна.

© ООО «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА»

© Коллектив авторов



СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ И ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ РАЗРАБОТКИ И ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ГРАДОСТРОИТЕЛЬНЫХ РЕГЛАМЕНТОВ Бизяев А.С.	321
ИННОВАЦИОННЫЕ МАТЕРИАЛЫ В СОВРЕМЕННОМ ДОРОЖНОМ СТРОИТЕЛЬСТВЕ: ПОВЫШЕНИЕ ДОЛГОВЕЧНОСТИ И ЭКОЛОГИЧНОСТИ Эркаева А., Маммедов С.	332
ЭНЕРГОЭФФЕКТИВНЫЕ И ЭКОЛОГИЧНЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В СОВРЕМЕННОМ ГРАЖДАНСКОМ СТРОИТЕЛЬСТВЕ: ВЗГЛЯД В БУДУЩЕЕ Аннагельдыева Н., Гурбанов Ы., Сейидов М.	336
СОВРЕМЕННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ СЕЙСМОСТОЙКОГО СТРОИТЕЛЬСТВА: ИННОВАЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ К ЗАЩИТЕ ЗДАНИЙ И СООРУЖЕНИЙ Аннагельдыева Н., Атаев К., Сейитлиев Н.	341
ПРИМЕНЕНИЕ НАНОМАТЕРИАЛОВ В СОВРЕМЕННОМ СТРОИТЕЛЬСТВЕ: ПОВЫШЕНИЕ ПРОЧНОСТИ И ДОЛГОВЕЧНОСТИ БЕТОННЫХ КОНСТРУКЦИЙ Башимов А., Гарлыева Т.	346
ИННОВАЦИОННЫЕ КОНСТРУКТИВНЫЕ РЕШЕНИЯ В СОВРЕМЕННОМ ВЫСОТНОМ СТРОИТЕЛЬСТВЕ: НАДЕЖНОСТЬ И АЭРОДИНАМИКА Бабаев Р., Туваков Ш.	351
ОСОБЕННОСТИ ПЕРЕВОДА АНГЛОЯЗЫЧНОЙ ТЕРМИНОЛОГИИ В СФЕРЕ АРХИТЕКТУРЫ И ГРАЖДАНСКОГО СТРОИТЕЛЬСТВА Нурмырадова Э., Реджепова А., Абдысетдаров А.	356
ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ЭФФЕКТИВНОСТЬ И УПРАВЛЕНИЕ ПРОЕКТАМИ: ВНЕДРЕНИЕ КОНЦЕПЦИИ «БЕРЕЖЛИВОГО СТРОИТЕЛЬСТВА» (LEAN CONSTRUCTION) Атаев Д., Сапаргельдыева А.	361
КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО ТУРКМЕНСКОГО НАРОДА Джумагылыджов С., Язгельдыев Н., Кыясов М., Рахымова М.	366
ПРАВОВОЕ ПОЛОЖЕНИЕ ЛИЦ, ЛИШЁННЫХ РОДИТЕЛЬСКИХ ПРАВ ИЛИ ОГРАНИЧЕННЫХ В НИХ Самошкин М.М., Каргапольцев Н.А.	371
ПРАКТИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ И ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ПОЛНОМОЧИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫХ ОРГАНОВ ИСПОЛНИТЕЛЬНОЙ ВЛАСТИ СУБЪЕКТОВ РОССИЙСКОЙ ФЕДЕРАЦИИ В ОБЛАСТИ ОХРАНЫ И ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЗЕМЕЛЬ Козочкина Я.А.	385
ЭКОНОМИКА И УПРАВЛЕНИЕ В СОВРЕМЕННОМ НАУЧНОМ МЫШЛЕНИИ	
МАМЛАКАТИМИЗДА ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛИШ КАМБАҒАЛЛИК ДАРАЖАСИНИ КАМАЙТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА Олтаев Ш.С.	394
ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҲОЗИРГИ ШАРОИТИДА АҲОЛИНИ НОРАСМИЙ ИШ БИЛАН БАНДЛИК ДАРАЖАСИНИ КАМАЙТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎЛЛАРИ Олтаев Ш.С.	403



Олтаев Ш.С.

СамИСИ доценти, и.ф.н.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҲОЗИРГИ ШАРОИТИДА АҲОЛИНИ НОРАСМИЙ ИШ БИЛАН БАНДЛИК ДАРАЖАСИНИ КАМАЙТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: ушбу мақолада мамлакатимизда ҳозирги шароитда аҳолини норасмий иш билан бандлик даражасини камайтиришнинг инновацион йўллари, расмий ва норасмий иш билан бандлик ҳолати ўрганиб чиқилган. Шунингдек хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: иқтисодий фаол аҳоли, иқтисодий нофаол аҳоли, норасмий бандлик, расмий бандлик, қишлоқ аҳолиси, хуфиёна, малака ва профессионал даражадаги ходимлар.

Бизга маълумки бугунги кунда мамлакатимизда норасмий секторда бандлик муаммоси ижтимоий-иқтисодий вазиятни баҳолашдаги қийинчиликлар билан узвий боғланганлиги учун ҳам унинг ривожланиш тенденциясини, амал қилиш кўламини ўрганиш зарурияти мавжуд.

Норасмий бандликнинг алоҳида турлари ислохотлар давригача ҳам мавжуд бўлган (чеварлар, репетиторлар ва бошқалар) бироқ, бозор муносабатларига ўтиш шароитида норасмий бандликнинг характери, амал қилиш кўлами, таркиби ва унинг иқтисодиётдаги ўрни иқтисодиёт секторларида бутунлай ўзгарди.

Норасмий сектор барча мамлакатларда мавжуд бўлиб, агар ривожланаётган мамлакатлардаги норасмий секторни кўриб чиқадиган бўлсак, аввало, “Расмий сектор” тушунчаси Халқаро Меҳнат Ташкилоти томонидан киритилган, норасмий секторга фақат яқка тартибда ишловчилар ҳамда



рўйхатдан ўтган кичик ишлаб чиқариш бирликлари (фақатгина улар уй хўжалиги корхоналари) қисман киритилган.

Юқорида таъкидланган ўз корхоналарининг ҳисобга олинмаган фаолиятдан даромад олувчи расмий секторда ишловчиларнинг хатти-ҳаракатларини хуфёна иқтисодиётга ҳам, мансуб дейиш мумкин.

Шунинг учун расмий ва норасмий сектор, норасмий сектор ва иқтисодий нофаол аҳоли, норасмий сектор ва хуфёна иқтисодиёт ўрталаридаги чегараларни етарли даражада шартли дейиш мумкин.

Асосан, бу тушунчалар ўртасидаги фарқларни бозор иқтисодиётига ўтиш даврини бошидан кечираётган давлатларда ажратиш мушкул. Бундан ташқари, ҳар бир давлатнинг ўзига хос хусусиятларига қараб норасмий секторга турлича таъриф берилади.

Бизнингча, норасмий секторда иш билан бандлик - меҳнатга лаёқатли аҳолининг расман рўйхатга олинмаган, тегишли солиқларни тўламайдиган кичик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида ҳамда тадбиркорлик объектларида фаолият кўрсатаётган расмий секторлардаги корхоналарнинг меҳнат воситаларидан фойдаланган ҳолда яширин даромад топиш мақсадида асосий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш воситаларига бирикиши ёки таъсир этиши.

Худудларда норасмий фаолият билан бирламчи шуғулланиш норасмий бандлик сифатида қаралади. Чунки норасмий фаолият билан иккиламчи шуғулланишни аниқлашни аниқ услубияти мавжуд эмас.

Ҳозирги пайтда қишлоқ жойларда аҳоли турмуш даражасининг секин ўсиши, иш ҳақи даражасини пастлиги ва давлат секторида иш ўрнининг етишмаслиги ҳамда расмий секторда иш билан бандликнинг ялпи беқарорлиги оқибатида расмий секторда ишловчиларнинг норасмий секторга ўтиб кетиши, иқтисодий нофаол аҳолининг меҳнат бозорига мажбуран чиқиши ва норасмий секторни тўлдириши, норасмий секторда иккиламчи бандлик доирасининг кенгайиши кузатилмоқда.



Норасмий иш билан бандлик баъзида камбағалликни келтириб чиқарса, баъзида фавкулотда юқори даромад келтириши ҳам мумкин. Хусусан Ўзбекистон қишлоқ аҳолисини норасмий иш билан банд бўлганлари расмий секторда иш билан банд бўлганларга қараганда юқори даромадга эга бўлмоқда ва бу ҳолат порасмий секторда иш билан банд бўлганларнинг юқори меҳнат унумдорлиги билан характерланади.

Айрим ҳудудларда норасмий секторда фаолият юритиш, асосан, тирикчилик (яшаш учун кураш) билангина эмас, балки бюрократик тўсиқлардан ва юқори солиқлар ставкалари тўлашдан қочиш билан изоҳланади. Бу ҳолат “хуфиёна иқтисодиётга” яқин туради. Бироқ, биринчи навбатда норасмий секторнинг ривожланиши - бу меҳнатга лаёқатли аҳолининг вужудга келган ижтимоий-иқтисодий вазиятга муносабатидир. Қишлоқ жойлардаги вазият шаҳар жойлардаги ижтимоий-иқтисодий вазиятдан кескин фарқ қилмайди. Шунингдек, расмий ва норасмий иш билан бандлик ўртасидаги фарқ ҳам шаҳар жойларидагидек, ҳам меҳнат бозорларидаги вазиятни кескинлашуви, аҳоли турмуш даражасининг пастлиги, ишсизликнинг ўсиши натижасида расмий секторда иш билан бандлик норасмий кўринишларини ҳам ўз ичига ола бошлайди.

Қишлоқ жойларда расмий иш билан бандликнинг ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳати бор. Хусусан унинг ижобий томонларига қуйидагилар киради:

биринчидан, иш билан бандлик аҳоли даромадлари муаммоларини ечишда ёрдам беради;

иккинчидан, товар ва хизмат кўрсатиш бозорини кенгайтиради;

учинчидан, етарли даражада ишсизликнинг ўсиши ва аҳоли турмуш даражасини кескин пасайиб кетиши олди олинади;

тўртинчидан, кўпчиликка қулай иш режимини танлашга имкон беради.

Шу билан бирга қишлоқ жойларда норасмий иш билан бандлик муайян қуйидаги долзарб ижтимоий муаммоларни келтириб чиқаради:

биринчидан, у “хуфиёна” иқтисодиётни ривожланиши учун қўшимча шароитлар яратади;



иккинчидан, бу секторда иш билан банд бўлганлар ижтимоий кафолатга эга бўмайдиар ва меҳнат шароитлари устидан назорат ўрнатилмайди;

учинчидан, норасмий секторнинг, асосан майда савдо-сотик, турли хил хизматлар кўрсатиш соҳасидаги иш билан бандлик хусусий шахсларни қисман малака ва профессионал тажрибаларини юқотишларига олиб келади;

тўртинчидан, иш билан бандликнинг мунтазам бўлмаган характери мунтазам ишдан узоқлаштиради.

Норасмий иш билан бандлик юқори бўлган қишлоқ жойлардаги ҳолатни таҳлили шуни кўрсатадики, бундай бандлик расмий секторда ишчи ўрни яратилиши билан ўз-ўзидан йўқолиб кетмайди. Шунингдек, норасмий секторга нисбатан таъқиқловчи чораларни қўллаш ўзини оқламайди. Норасмий иш билан бандликка нисбатан давлатнинг қаттиқ сиёсати натижасида норасмий секторнинг қисқариши ишсизликни бирданига ошиб кетишига олиб келди. Чунки, норасмий иш билан банд бўлганларнинг аксарият қисми расмий секторга ишга жойлаша олмайдилар. Шунингдек, давлат томонидан бундай сиёсатнинг юритилиши норасмий секторнинг иккиламчи иш билан банд бўлганларнинг турмуш даражасини бирданига пасайтириб юборади. Бундан ташқари, норасмий секторни таъқиқлаш уни хуфиёна шаклига ўтишига олиб келади. Норасмий секторни таъқиқлаш чоралари фақатгина норасмий иш билан бандликнинг салбий томонларига нисбатан асосли ҳисобланади. Қишлоқ жойларда норасмий секторнинг ривожланиши кўпроқ ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазиятга боғлиқ бўлади. Ишсизликнинг ўсиши, иш ҳақининг ва аҳоли турмуш даражасининг пастлиги, расмий секторга ишчи кучига етарли талабнинг йўқлиги расмий иш билан бандликнинг беқарорлиги (корхоналарнинг банкротга учраши, корхоналардан ишловчиларнинг бош олиб кетишини доимий кутилиши) норасмий секторнинг ўсишига олиб келади.

“Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини 2020-2030 йилларга ривожлантириш стратегияси”да пахта-тўқимачилик, мева-сабзовотчилик, чорвачилик, ипакчилик, балиқчилик, агротуризм, доривор ўсимликлар каби кластерларида ва кооперацияларида, ҳамда бошқа соҳалари бўйича янги иш ўринларини яратишни



истикболдаги параметрлари белгилаб берилди. Биргина 2021 йилда норасмий иш билан бандлаг ва ишсизлар учун 370047 та янги иш ўринлари яратилган бўлса, уларнинг улуши қишлоқ жойлар учун 64,3% да тенг. Лекин бу кўрсаткичлар қишлоқ худудлагида норасмий иш билан банд бўлганларнинг ўсиб бораётган тақлифини жуда паст даражада қониқтиради. Шунинг учун 2030 йилгача, қишлоқлагдаги норасмий иш билан бандлар учун иш ўринлари миқдорини камида 2-3 мартага кўпайтириш стратегик режаларни ишлаб чиқиш ва уларнинг ижросини таъминлаш лозим.

Қишлоқ хўжалигини узоқ муддатга мўлжалланган стратегик режалаштиришни биринчи навбатда норасмий иш билан бандликни асосий қисмини ташкил этган республикадан ташқарига четга ишлашга кетаётганлар миқдорини (30,7%) кескин камайтиришга (тахминан 50% ортиқ) иқтисодий ва ижтимоий шароитлар яратади. Шу билан бирга мазкур стратегияни амалга ошириш иқтисодиётнинг норасмий секторида муҳим улушларга эга бўлиб вақтинчалик бир марталик ва мавсумий ишларни бажарувчиларни (21,3%), деҳқон ва шахсий хўжалигида ишлайдиганларни (18,6%), рўйхатдан ўтмаган ва тегишли рухсатномасиз фаолият кўрсатаётганлар (18,2%) ва меҳнат муносабатларини расмийлаштирмасдан оилавий корхоналарда ва тадбиркорларга ишлайдиганлар (11,2%) сезиларли камайишига бевосита таъсир кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ хўжалигини 2030-йилгача ривожлантириш стратегияси билан бирга қишлоқ иқтисодиётини бошқа тармоқларини ҳам яқин келажакда ривожланишини белгиловчи стратегик режаларни ишлаб чиқиш ва уларни бажарилишини таъминлаш лозим. Бу эса қишлоқ иқтисодиётида шаклланаётган қайта ишлаш сафари, қурилиш материаллари ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш сафари, машинасозлик, нефт ва газ сафари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузулмаларнинг янги объектларини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳалари билан ҳамкорликда меҳнат, табиий ишлаб чиқариш ва молиявий ресурслардан унумли фойдаланиш имконини беради. Натижада янги иш ўринлари яратилади ва меҳнатга лаёқатли



аҳолининг норасмий иш билан бандлиги кескин камаяди. Пировардида аҳолининг меҳнат даромадлари ошади ва турмуш тарзи яхшиланади деб ўйлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрирда). -Т., 2020. 28 апрел 4-10 бет
2. Ўзбекистон Республикаси “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги қонун. 2018 йил 16 октябр. ЎРҚ-50. Лех.уз
3. Абдурахмонов Қ.Х., Шоюсупова Н.Т. Меҳнат иқтисодиёти: ижтимоий меҳнат муносабатлари. Дарслик.-Т.ТДИУ: 2011. -692 б
4. Холмўминов Ш.Р., Холмуродов С.Э. Меҳнат бозори иқтисодиёти, Ўқув кўлланма.-Т.: 2013.-228 б.
5. Oltayev Sh.S. (2021). Challenges and solutions in constructing a community section and investing in family entrepreneurs (On the example of Navobod NCM of Samarkand district) American Journal of Research www.journalofresearch.us 9-10, September-October 2021 info@journalofresearch.us USA, Michigan 34. 34-37 б. <https://zenodo.org/record/5514016#.YbzC3mhBzIU>
6. Oltayev Sh.S. (2021). Innovative Education Is An Important Factor To Increase The Efficiency Of Economic Education The American Journal of Interdisciplinary Innovations and Research (ISSN–2642-7478) Published: November 13, Pages: 9-13 Doi: <https://doi.org/10.37547/tajjir/Volume03Issue11-02>
7. Oltayev Sh.S. (2021). Wide Opportunities for Innovative Development of Small Business And Private Entrepreneurship in our Country. Academic Journal of Digital Economics and Stability Volume 10, ISSN 2697-2212 Online: <https://academicjournal.io> 7-13. <https://economics.academicjournal.io/index.php/economics/article/view/334>
8. Oltayev Sh.S. (2022). Improving Ways of Attracting Foreign Investments to the National Economy and Using Them. International Journal Miasto Przyszłości,



92–95. <https://miastoprzyszlosci.com.pl/index.php/mp/article/view/503> Vol. 27.

Kielce Retrieved from

9. Oltayev Sh.S. (2022). Issues of attracting foreign investments to the regions of Uzbekistan: problems and solutions. International journal of social science & interdisciplinary research Issn: 2277-3630 Impact Factor: 7.429, 11(08), <https://www.gejournal.net/index.php/IJSSIR/article/view/923> 96–100. Retrieved from

10. Oltayev Sh.S. (2024). Innovative ways to diversify and improve the quality of tourist services in Uzbekistan. International Journal of Advanced Research in Education, Technology and Management. 3(3), 109-118. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10880030>

11. Oltayev Sh.S. (2024). Innovative ways to eliminate the migration problem in Uzbekistan. International Journal of Advanced Research in Education, Technology and Management. 3(3), 123-130. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10880419>

12. Oltayev Sh.S. (2024). Issues of attracting foreign investments to the special economic zones of the country. Innovative Development in Educational Activities, 3(6), 31–36. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10899983>

13. Oltayev Sh.S. (2024). Purposeful formation of the high quality of providing economic growth in the country. Web of Teachers: Inderscience Research, 2(3), 273–280. Retrieved from <https://webofjournals.com/index.php/1/article/view/1047>

14. Oltayev Sh.S. (2024). The need to form the state investment strategy. Innovative Development in Educational Activities, 3(6), 25–30. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10899979>

15. Oltayev Sh.S. (2024). The role of the economic sector in society. Eurasian Scientific Herald, 30, 55–58. Retrieved from <https://geniusjournals.org/index.php/esh/article/view/5815>

© Олтаев Ш.С., 2026